

Сурхондарёда истиқлол айёми кўтаринки руҳда нишонланмоқда



Сурхондарёда истиқлол айёми кўтаринки руҳда нишонланмоқда
Кеча, мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигига бағишилаб Термиз шаҳридаги Санъат саройи амфитеатрида вилоятнинг асосий байрам тантаналари бўлиб ўтди.
Тадбирга ишлаб чиқариш илғорлари, фермер ва тадбиркорлар, нуронийлар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.
Тантана аввалида Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов воҳа аҳолисини энг улуғ, энг азиз байрам билан табриклади.
Байрам дастури ҳар қачонгидан ўзгacha бўлди. Миллий-этнографик гуруҳларнинг чиқишилари, турли тилларда янграган қўшиқлар, турли бадиий ва саҳна кўринишлари, Ватан, мустақиллик ва мардлик тараннум этилган қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият бағишилади.



